

ИЛМНИ ХАТТО ХИТОЙДА БЎЛСА ХАМ ЎРГАНИНГ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-421-427>

Арипов Шавкат

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Араб филологияси” кафедраси доценти

Annotasiya: Ushbu maqolada arablarning Xitoya kelishi, arab jamoalarining shakllanishi, arab tilining paydo bo'lishi va tarqalishi, arab tilini o'qitishga urinishlar, shuningdek, Xitoyda arab, arab mamlakatlarida xitoy tilini o'qitishning rivojlanishi haqida so'z boradi.

Tayanch so'zlar: Xitoydagi arablar, arab tili, arab mamlakatlaridagi xitoys, xarakter, ramziy ma'no.

Annotation: This article deals with the arrival of Arabs in China, the formation of Arab communities, the emergence and spread of the Arabic language, attempts to teach Arabic, as well as the development of teaching Arabic in China and Chinese in Arab countries.

Key words: Arabs in China, Arabic language, Chinese in Arab countries, character, symbolic meaning.

Тарихий манбаларга назар ташланса, арабларнинг Хитойга илк ташрифлари эрамизнинг 651 йилига тўғри келади. Халифа Усмон бин Аффон бошқаруви даврида дастлабки мусулмонлар Хитой юртида бўлганлар ва у ерда яшаганлар¹. Албатта бу ташрифни мазкур диёrlарда арабларнинг бўлганининг дастлабкиси деб ҳам бўлмайди. Маълумки араблар исломгача ҳам тижорт билан шуғулланганлар ва уларга ҳам буюк ипак йўли манзиллари маълум бўлган. Табиийки, хитой билан савдо-сотиқ ишлари исломгача ҳам маълум бўлган. Дастлаб, араб савдогорлари у ерга денгиз ва Ипак йўли орқали қуруқликдан етиб борганлар. Манбалардан маълум бўлишича, уларнинг айримлари Хитойда қолиб, оила қуриб, яшаб қолганлар.

Юань сулоласи даврида, мўгулларнинг Ғарбий Осиёга қилган юришлари натижасида кўплаб араб, форс аскарлари ва мутахассислари асирга олиниб Хитойга олиб кетилган. Араб мусулмонларининг келиши Хитойда араб тилини ёйила бошлишига сабаб бўлган. Кейинчалик бу ердаги араб жамоалари аъзоларига ҳамда исломни янги қабул қилган хитойликларга араб тилидан дарс беришга уриниш бошланган. Араб тилидан масжидларда биринчилардан дарс

¹ تاريخ الطبرى. دار النشر البيروت. 1993 .395

бериш Тан сулоласи (618-907 йй.) даврида бошланган², Мин ва Цин сулолалари даврларида ривожланган. Шундан кейин ўтган юз йиллар даврида бу жараёнлар давом этиб келган ва ҳозирги кунимизда бу алоқалар юқори даражада ривожланиб бормоқда.

Икки томоннинг икки минг йилдан ортиқ алоқалари, географик масофага қарамай, Хитой халқи ва араб халқлари ўртасидаги танишув ва ўзаро ишончни кенгайтирди, Осиё қитъасининг икки минтақаси ўртасидаги маданий алоқаларни бекиёс даражада ошириди.

Хитой университетларида айрим маданий ва илмий фанлар бир вақтда араб ва хитой тилларида ўқитила бошланди. Жумладан, Хитой университетида 1943 йилдан бошлаб араб тилидан дарс берила бошланди. Уни Мисрнинг ал-Азҳар университетини олим даражасида тугатиб, ҳозирги Нанкин университетига (собиқ Марказий университет) профессор этиб тайинланган хитойлик Абдурахмон Наджун олиб борди. У талabalарга, дастлаб, ўзи томонидан тайёрланган ўқув қўлланма асосида, араб тилини факультатив курс сифатида ўргата бошлаган, шунингдек, у университет бўйича араб мамлакатлари тарихидан ва араб-исломий маданияти хақида хам маъruzalар ўқиди³. Вақт ўтиши билан талabalар орасида араб тилига қизиқиш орта боради. Натижада, 1946 йилга келиб, Хитой университетида, дастлабки араб мутахассислиги йўналиши очилади.

Пекин университети хам ўзида араб тили бўлмини очиш мақсадида тилшунос олим Мухаммад Макинни таклиф этади⁴. Мазкур кафедра араб тилини ўрганишга хоҳиши бўлган мусулмон ва мусулмон бўлмаган ёшларни араб тили бўйича мутахассисликка қабул қиласи. Мана шу талabalар ўқишини битирганларидан кейин олим, профессор ва соҳа бўйича давлат хизматлари мутахассислари бўлиб, янги Хитой ва араб мамлакатлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш хамда хитойликларни араб-исломий маданиятлар тарихи билан таништиришда улкан ҳисса қўшдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, мусулмонларнинг хитой халқи қадимий эътиқодидаги тушунчаларга нисбатан қарашлари бу икки хадқ маданияти ўртасидаги муносабатларнинг бирданига илиб кетишида монеъ бўлиб турди. Аммо ислом таълимоти ва фалсафасидаги икки жиҳат икки халқнинг дўстона алоқаларига асос бўлди. Бу икки асоснинг бири ислом манбаларидағи эътиқод эркинлиги бўлса, иккинчи жиҳат – бу хитой қадимий манбаларида қўплаб аниқ фанларга оид қиматли маълумотлар борлиги эди. Ана шу жиҳатдан араб-хитой муносабатлари фақат тижорат билан кифояланмай, илмий даражага ҳам кўтарилиб борди. Бу эса ўз навбатида юқорида таъкидлаганимиздек, икки халқ ўртасидаги дўстона ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлади.

² Fuller, Neathery Batsell [A Brief history of paper](#). 2016. Р 215.

³ Базанова Е.А. Арабский язык в сотрудничестве Китая со странами востока в 1980-2010. С. 234.

⁴ Ўша манба. Ўша жойда.

1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил бўлиши хамда Хитой ва араб мамлакатлари ўртасида сиёсий алоқаларни ривожланиши натижасида ҳукумат кўплаб олий ўқув юртларда, жумладан, Дипломатия институтида, Иқтисод ва ташқи савдо ишлари университетида, Пекиндаги Жаҳон тиллари университетида, Лоян Харбий институтида, Хитой Ислом фанлари институтида, Шанхай Халқаро тадқиқот университетида, Пекиндаги тиллар институтида ва Пекиндаги Иккинчи чет тиллар институтида араб мутахассислигини очишга рухсат беради. Ўтган давр ичида бу каби олий ўқув юртларни мувоффақият билан тугатган мутахассислар – вазирлар, элчилар, юқори рутбали харбийлар, олимлар, профессорлар, компаниялар раҳбарлари, маданият ва санъат ходимлари, оммовий ахборот воситалари ходимлари, диний хизматчилар ва бошқалар мамлакатнинг турли соҳаларида, жумладан, хитой-араб мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлари ривожланишида кенг кўламли вазифаларни амалга ошироқдалар. Республикада араб тилини ўқитишга бўлган муносабат ўзгарди.

1985 йилда араб тилини ўқитишга ихтисослашган барча университетлар аъзо бўлган “Араб тилини ўқитиш ва ўрганиш бўйича Хитой Академияси” ташкил этилди. Академия кўп қиррали бўлиб, ўқув юртлари орасида араб тилига хос бўлган турли илмий, ўқув ва бадиий тадбирларни ташкил этади. Фурсатдан фойдаланиб ушбу тажрибани Ўзбекистонда ҳам амалга ошириш айни муддао эканини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев араб мамлакатларида расмий ташриф билан бўлганида мамлакатлар ўртасида илмий ҳамкорликни тубдан ислоҳ қилиш ва бу муносабатларни кенгайтириш таклифларини бердилар. Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам арабшунослик академияси очилиши учун фурсат етди деган фикрдамиз.

Мавзуни давом эттириб, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Хитой иқтисодини кенг кўламда ривожланиши хамда мамлакатни ташқи дунёга очилиши Хитойнинг дунё ҳамжамияти, шу жумладан, араб мамлакатлари билан иқтисодий, ижтимоий ва савдо алоқаларини мисли қўрилмаган даражада ошиб боришига катта имкониятларни очиб берди, деган фикрни келтирмоқчимиз⁵. Мусулмон миллатига мансуб аҳоли яшайдиган ғарбий Хитойда араб тили ҳозирда 13 та университетда ва бошқа олий таълим муассасаларида ўқитилмоқда.

XXРда араб тилига бўлган эътибор шу даражага етдики, араб тилини талабаларга қай даражада сифатли қилиб ўргатилаётганлигини доимий назорат қилиш учун “Университетларда чет тилларни ўқитишда раҳбарлик қилиш қўмитаси” тузилган⁶ бўлиб, у бошқа чет тиллари билан бир қаторда араб тилини ўқитишни хар томонлама назорат қиласи. 1991 йилда унинг бевосита

⁵ <https://www.youm7.com/story/2018/6/26/>

⁶ Ўша манба.

раҳбарлиги ва ташкилотчилиги остида мамлакатдаги университетларнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари иштироқида “Хитой университетларида араб тилини ўқитиш бўйича ўқув программа” яратилди. Мазкур қўмита олдига қўйилган вазифалардан бири шуки, араб тили мутахассиси бўлган кадрларнинг келажакда нафақат Хитойдаги илмий фаолияти балки, араб мамлакатлардаги илмий меъросни ўрганишга тайёрлаш назарда тутилган. Хитой мутахассисларнинг фикрича, ўрта асрлар араб манбаларида нафақат турли илмларга бағишлиланган ноёб асарлар балки, қадимий хитой ҳақида маълумот берувчи манбалар ҳам топилади.

Араб мамлакатлари ҳам ўз навбатида Хитойда араб тилини ўқитилишига жиддий эътибор бердилар. Хитой Халқ Республикаси 1949 йилда ташкил топган бўлса, араб мамлакатлари 1950 йилларда бирин кетин мустақилликка эриша бошлади. Хитой 1956 йилда араб давлатларидан биринчи бўлиб Миср билан, кейинчалик, Сурия, Яман, Ироқ, Марокаш ва бошқа араб давлатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатади. Бу эса Хитой ва араб мамлакатлари ўртасида дўстлик алоқаларининг янги даврини бошлаб беради⁷.

Араб давлатларининг Хитой билан нафақат сиёсий, иқтисодий алоқалар юзасидан яқинлашуви, балки таълимий жиҳатдан ҳам бир-бирини қўллаб-қувватловчи ва яқинлашув алоқалари янгича тус олади. Чин мамлакати 1956 йил апрелида Миср билан “Хитой ва Миср ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” хужжатини имзолади. Унга кўра Хитой томони биринчи марта ўз талабаларини ўқиши учун Мисрга юборди. Араблар хитойлик талабаларни араб тилини чуқур ўрганишлари учун катта ёрдам бера бошладилар. Шунингдек, улар Хитойда араб тилини ўқитиш ва хитойлик ҳамкасабалар билан ўқув қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш бўйича эксперталар, профессор-ўқитувчилар ва маслаҳатчиларни юбора бошладилар. Улар орасида номи машҳур бўлган шахслар, жумладан, суриялик ёзувчи Ханна Мина, шоирлар Салама Убайд, ал-Малхузи, Мухаммад Юнус, фаластинлик таржимон Мухаммад Нимр Абдул-Карим кабилар бор эди.

Араб давлатлари Лигаси ташкилоти ҳам Пекинда тил эгаси бўлмаган Осиё университетларининг араб тили ўқитувчилари учун ўқув курсларини ташкил этишда ўз ёрдамини берди. Араб тили нафақат хитой университетларида, балки хитойнинг бир неча минтақаларида жойлашган Ислом фанлари институтларида ҳам мусулмон талабаларига араб тилини ва ислом фанларини бемалол ўрганишлари учун барча имкониятларни яратиб берди. Шуни эътиборга олиш керакки, сўнгги йилларда ҳукуматнинг диний сиёсатидаги мослашувчанлик ва очиқлик сиёсати самараси ўлароқ, мусулмонлар сони кўп бўлган провинциялар даражасида тўққизта ислом фанлари институти ташкил этилди. Буларда мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқдалар. Ушбу институт битирувчилари мамлакатдаги масжидларда, тижорий компанияларда, маҳаллий ҳокимият

⁷ <https://home.moe.gov.om/topics/1/show/10031>

ташкилотларида ёки ўқишиларини тугатиш учун ислом давлатлари га юбориладилар. Шунингдек, Хитойнинг бу провинциялардаги бир қанча ўрта мактабларда ҳозиргача араб тили ўқитиб келинмоқда.

Хитойда араб тилини ўқитиши жадал суратларда давом этмоқда. Хитой университетлари ва институтлари шу кунгача минглаб арабшуносларни, таржимонларни, профессор-ўқитувчиларни, давлатнинг турли вазифаларида ишлаётган масъулларни тайёрлади. Лекин араб тили бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш Европа давлатлари даражасидек эмас. Бунга ўзига хос сабабларни кўрсатиш мумкин, жумладан, мамлакатда араб тилини ўқитиши жуда кеч (1940 йиллар) бошланган, иккинчидан, хитойлик арабшунос тадқиқотчиларнинг аксарияти коллежлар ёки араб тили факультетлари битирувчилари бўлгани ва уларнинг тадқиқотлари, асосан, лингвистик жиҳатларга қаратилган бўлиб, кўпчилиги чуқур илмий изланишларга тайёр эмас эди, учинчидан, тўқсонинчи йилларда, маълум сабабларга кўра, ўз умрини илм-фанга бағишилаганлар сони кескин камайиб кетди. Шунга қарамай, илмни барча нарсалардан устун қўйиб, катта мувоффақиятларга эришган ва эришаётган арабшунослар мамлакатда арабшуносликни ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшиб келганлар. Уларнинг авангарди Пекин университетининг мархум профессори Мухаммад Макин ва унинг ҳамкасби Пекин чет тиллар университети профессори Абдурахмон Наджун эди. Мухаммад Макин ўз умрининг ўнлаб йилларини муқаддас Қуръони Каримни хитой тилига таржима қилишга бағишилаган.

Булардан кейин янги арабшунослар етишиб чиқди. Жумладан, Пекин университети профессори Юнг Джи-кун олти юз бетдан иборат бўлган, барча араб мамлакатлари ёзувчилари ва шоирлари хақида маълумот берувчи “Ҳозирги замон араб адабиёти” асарини кенг китобхонлар оммасига тақдим этди. Шунингдек, Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети профессори, университетнинг Яқин Шарқ тадқиқотлар институти раҳбари ва “Араб дунёси” журнали бош мухаррири Чжоу Вейли ҳам бир қанча асарларни тақдим этди. Улардан энг муҳимлари “Яқин Шарқ хитойлик тадқиқотчилар нигоҳида”, “Қадимги Миср маданияти далиллари”, “Соддалаштирилган хитойча-арабча луғат”. Кейинги вақтларда у терроризм феномени ва Хитой-араб муносабатларини барча даражада ўрганиш каби стратегик тадқиқотлар билан шуғулланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, аввалги асрнинг 60-80 йилларида араб мамлакатари тил бирлиги масаласига жиддий киришдилар. Уларнинг ҳар бирида замонавий араб адабий тилининг ривожланиши ва қўлланиши турли даражада бўлса ҳам, араб мамлакатлари ахолисининг бирлигини таъминловчи араб адабий тилини қўллаш муҳим вазифа бўлиб қолди⁸. Бу жараён араб бўлмаган халқларнинг араб тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини ҳам маълум

⁸ Абдуллаев С. Араб мамлакатларида тил сиёсати ва вазияти. Тошкент. 2022. Б. 36.

маънода эътиборга олиб, бевосита хитой аҳолиси учун ҳам муҳим бўлган қўлланмалар ёзилди.

Сўнгти йилларда Хитой ва араб мамлакатлари ўртасидаги гуманитар ва маданий алмашинувлар бой мазмун ва самарали ютуқларга эга бўлиб, Хитой ва араб мамлакатлари ўртасидаги бу соҳада ҳамкорлик кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Араб мамлакатларида ҳам ўз навбатида хитой маданияти, айниқса, хитой тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда⁹.

Араб мамлакатлари ва Хитой Xалқ Республикаси ўртасида таълим соҳасидаги алмашувни янада юқори даражага кўтариш, мамлакатлар ўртасида араб ва хитой тилларини ўқитиши ва ўрганиш соҳасида алоқаларни давом эттириш, ҳозирги глобаллашув даврида араб ва хитой тилларини мамлакатларда тарқалишини кенгайтириш мазкур тилларнинг мамлакатлардаги аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда Хитой-Араб ҳамкорлиги форуми доирасида Хитой ва араб мамлакатлари ўртасидаги маданий алмашинув ва ҳамкорлик маданият, дин, санъат, таълим, илмий тадқиқотлар, радио, кино, телевидение, журналистика, нашриёт ва туризм соҳаларини қамраб олади. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик нуқтаи назаридан, 2022 йил охирига қадар Хитой араб давлатларида 19 та Конфуций институти ва тўртта Конфуций синфини очди, шу билан бирга араб университетларида хитой тили коллежлари ва бўлимлари сонини кўпайтирди. 2016 йилдан бери БАА, Саудия Арабистони ва Миср мос равища хитой тилини миллий таълим тизимига киритишини эълон қилди. "Хитой тили кўприги" танлови учун танлов жойлари мос равища Миср, Саудия Арабистони, Иордания, Судан, БАА, Баҳрайн ва Марокашда ташкил этилган. 2008 йилда Хитойда араб талабалари сони 3217 нафарни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу рақам 21879 нафар талабага ўсиб, йиллик ўсиш 19 фойизни ташкил этди. 2008 йилда Хитойда беш юз ва ундан ортиқ талабаси бор давлатлар рўйхатида фақат Яман Республикаси бўлган бўлса, 2018 йилда ушбу рўйхатга киритилган араб давлатлари сони 13 тага етди. Сўнгти йилларда араб тилини ўргатувчи Хитой университетлари сони элликтага етди ва Хитой университетлари турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш учун араб тили коллежларини очдилар. Хитой ва араб давлатлари ўқитувчилар ва талабаларни алмасиши бўйича ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Айрим араб давлатлари ҳам икки томон ўртасида таржима қилиш сифатини ва тадқиқотларни яхшилаш мақсадида Хитой университетларида тадқиқот марказлари, кутубхоналар, бўлимлар ва тадқиқот марказларини ташкил этдилар, жумладан, Пекин университетида Султон Қобус номидаги араб тили кафедраси, Шайх Заед мактаби, Пекин чет тиллар университетида араб тили ва ислом тадқиқотларини ўрганиш маркази, Шанхай халқаро тадқиқотлар университетида Файсал қироллик кутубхонаси, Пекин университетида Қирол Абдулазиз номидаги халқ кутубхонаси филиали ва

⁹ Гельбарс В.Г. Геоэкономическая стратегия Китая // Азия и Африка сегодня. 2016. №1. С.15-24

бошқалар. Хитойнинг Шанхай халқаро тадқиқотлар университети араб тили профессори Ляо Жинг ўзининг яқинда чоп этилган “Хитойга келаётган араб талабаларининг мослашуви” номли тадқиқотида сўнгти пайтларда Хитой университетларида араб талабалари сони сезиларли даражада ошганини айтиб, шундай ёзган эди: "Дўстлик туфайли уларнинг сони рекорд даражага етди"¹⁰.

Хитой ва араб мамлакатлари масъулларининг хар бир расмий ва норасмий учрашувларида дўст мамалакатлар ўқув жараёнининг барча йўналишларида, жумладан, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви дастурларини ривожлантириш, Хитой олий таълим маассасалари учун стипендия дастурини кенгайтириш ва Хитой университетлари филиалларини ташкил этишни рағбатлантириш, Олий таълим сертификатларини тан олиш соҳасида томонларнинг умумий жиҳатларини назарда тутиш, шунингдек, биргаликда рақамли таълимни ривожлантириш ва Хитойда араб тилини, араб мамлакатларида хитой тилини ўқитишни хар томонлама қўллаб – қувватлаш масалалари ҳам кўриб чиқиласди. “Белбоғ ва йўл” ташаббуси эса хитой-арab таълими алоқалари ривожига доимий ҳаётий қувватни тақдим этиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР(REFERENCES)

1. Базанова Е.А. Арабский язык в сотрудничестве Китая со странами востока в 1980-2010гг.
2. Гельбарс В.Г. Геоэкономическая стратегия Китая // Азия и Африка сегодня. 2016. №1. С.15-24
3. التبادل الوثيق بين الحضارة الصينية والحضارة الإسلامية ومدافعه وانع داي يوي :جيغوانغ دينغ
4. <https://home.moe.gov.om/topics/1/show/10031>
5. <https://home.moe.gov.om/topics/1/show/10031>
6. <https://www.youm7.com/story/2018/6/26/>

¹⁰ Базанова Е.А. Арабский язык в сотрудничестве Китая со странами востока в 1980-2010гг.